

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.F.91.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

ИСРАИЛОВА САОДАТ ТУРАПОВНА

“КЎК” ЛЕКСЕМАСИ СЕМАНТИКАСИ ВА ТЕЗАУРУСИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Исраилова Саодат Тураповна

“Кўк” лексемаси семантикаси ва тезауруси.....3

Исраилова Саодат Тураповна

Семантика и тезаурус лексемы “кук”.....25

Исраилова Саодат Тураповна

The semantics and thesaurus of the lexeme “kok”49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of pulished works53

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.F.91.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

ИСРАИЛОВА САОДАТ ТУРАПОВНА

“КЎК” ЛЕКСЕМАСИ СЕМАНТИКАСИ ВА ТЕЗАУРУСИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Fil1319 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.guldu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холманова Зулхумор Турдиевна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Менглиев Бахтиёр Ражабович
филология фанлари доктори, профессор

Хусанов Нишонбой Абдусатторович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:


Самарқанд давлат университети


Диссертация ҳимояси Гулистон давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи Phd.03/27.02.2020.F.91.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “30” август соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-мавзе. Тел.: (67-2) 25-40-42; факс: (67-2) 25-02-75; e-mail: glsu_info@edu.uz).


Диссертация билан Гулистон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (8 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-мавзе. Тел.: (67-2) 25-40-42; (67-2) 25-02-75; e-mail: glsu_info@edu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил “19” август кuni тарқатилди.
(2022 йил “19” август даги 8 рақамли реестр баённомаси).




Н.А.Раҳмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор


М.Р.Маматқулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, филология фанлари доктори, доцент


А.А.Маматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, филология фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ранг назарияси ва символикаси тарихий-тадрижий аспектда тадқиқ этилган. Лисоний онгдаги ранг билан боғлиқ когнитив ахборот, ментал лексикон, маданий белгилар қиёсий, чоғиштира аспектда синхрон ёндашув асосида таҳлил этилган. Турли тиллардаги ранг билан боғлиқ тушунчалар, миллий-маданий муносабатлар концептуал асосда ёритилган. Антропоцентризм йўналишининг асосий масаласи ҳисобланган инсон омили билан алоқадорлик ранглар семантикасини этимологик нуқтаи назардан таҳлил этишни, янги тушунчаларнинг шаклланиш жараёнини изоҳлашни, маъно имкониятларини, когнитив хусусиятларини, прагматик қийматини анъанавий методлар ва замонавий компьютер технологиялари асосида таҳлил қилишни тақозо этади.

Дунё тилшунослигида ранглар билан боғлиқ мифологик дунёқараш, ранг семиотикасининг универсал ва специфик белгилари, ранг билдирувчи лексемаларнинг маъно қирралари, лингвопоэтик хусусиятлари ўрганилган. Ранг билдирувчи лексемалар семантикаси кенг қамрови, концептуал жиҳатдан хилма-хиллиги, ассоциатив майдон ҳосил қилиши, когнитив билим, прагматик маъно ва психолингвистик ёндашувни акс эттириши билан ажралиб туради. Ранг билдирувчи лексемалар семантикасини тадқиқ қилиш оламнинг лисоний манзарасини ёритишда, лисоннинг ментал хусусиятлари, тушунчаларни англашнинг когнитив асосларини таҳлил қилишда, лексема семантикасидаги тарихий лингвистик жараёнларни изоҳлашда аҳамиятлидир. Шу нуқтаи назардан, маданий муносабатлар талқинида муҳим ўрин тутган ранглар символикаси ва ранг билан боғлиқ луғавий бирликлар семантикаси, этимологияси ва прагматик хусусиятлари таҳлили долзарб аҳамият касб этади.

Мустақиллик ўзбек тилининг тарихий илдизларини асослаш, қадимий манбаларини тадқиқ қилиш, ўзбек тилини генетик алоқадор бўлган тиллар тараққиётига қиёсан таҳлил қилиш имконини яратди. Ривожланишнинг ҳозирги босқичида ранг билдирувчи лексемаларнинг инсон ҳаётида тутган ўрни, ранг билан боғлиқ семантик жараёнлар, ранглар семантикасининг мақоллар, иборалар, ҳикматли сўзлар ва бадиий матндаги функционал жиҳатлари тадқиқи тил бирликларининг коммуникациядан ташқари аккумулятив, эмоционал-экспрессив хусусиятларини ёритишда аҳамиятлидир. Ранг билдирувчи лексемалар ва уларнинг семантик тараққиёти тилларнинг умумий ривожланиш босқичидан ҳозиргача бўлган лексик-семантик жараёнларни кузатишда муҳим қийматга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ–4797-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ–4947-сон, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ–5850-сон, 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6084-сон фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2789-сон қарорлари ва мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация илмий натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон, рус ва ўзбек тилшунослигида ҳам “кўк” ва бошқа ранглар билан боғлиқ кўплаб илмий ишлар мавжуд¹. Ранглар назариясига оид дастлабки илмий хулосалар В.Алпатовга тегишлидир². Л.Самарина умумий маданиятдаги рангларни ўрганган³. А.Вежбицкая ранг нарсанинг хусусиятларидан келиб чиқиб предметга берилиши ҳақидаги қарашларини баён қилган, тафаккур, идрок билан боғлиқ жиҳатларини, миллий-маданий белгиларни акс эттириш имкониятларини таҳлил қилган. *Кўк/синий* рангининг илмий асосдаги таҳлилини амалга оширган⁴. О.Фролова япон тилидаги ранг билдирувчи сўзларга эътибор қаратган⁵, япон тадқиқотчиси Ф.Кунио қизил, оловранг, сариқ, яшил, ҳаворанг, кўк ва бинафшаранг ва уларнинг маданий маъносини тадқиқ қилган⁶. Э.Самоделова бадиий асардаги ранг символикаси⁷, О.Седова эса насрдаги ранг маъноларини ўрганган⁸. Ю.Лотман ранг символикасини

¹Berlin B., Kay P. Basic Colour Terms. Their Universality and Evolution. Berkeley; Los Angeles: Uof California Press, 1969; На материале цветообозначения в языках различных систем. – М.: Наука, 1987. – 140 с.; Семантические универсалии и описание языков. –М.: Языки русской культуры, 1999. – 780 с.; Залевская А.А. Введение в психолингвистику. –М.: Российский гос. гуманитар. ун-т, 2000. – 382 с.; Залевская А.А. Психолингвистический подход к анализу языковых явлений / Вопросы языкознания, 1999. –С. В1-42; Вежбицкая А. Категория, прототип. Лингвистическая экстралингвистическая семантика: Сб. обзоров. – М. 1992. –С. 28-43.

²Алпатов В.М. Языки культура. – М.: Языки славянских культур, 2003. – 225 с.

³Самарина Л.В. Традиционная культура и цвет: основные направления и проблемы зарубежных исследований // Этнографическое обозрение.1992.– С.147-156.

⁴Вежбицкая А.Язык. Культура. Познание. – М.: Русские словари, 1996. – 124 с.

⁵Фролова О.П. Цветообозначения в японском языке // Языковые категории в лексикологии и синтаксисе. – Новосибирск, 1991. – С. 71-87.

⁶福田邦夫色の意味と文化赤橙黄緑青藍紫. – 日本: 研究店, 1979. – 254 p. [Fukuda Kunio. Iro no imi to bunka sekitōryokuseiaishi. – Nihon: Kenkyū-ten, 1979. – 254 p.] – “Фукуда Кунио. Қизил, оловранг, сариқ, яшил, ҳаворанг, кўк ва бинафшаранг ва уларнинг маданий маъноси. – Япония: Илмий тадқиқот институти, 1979. – 254 б.

⁷Самоделова Е.А. Символика цвета у С.А.Есенина и свадебная поэзия рязанщины / Филологические науки. – М.,1992.– С. 12-22.

⁸Седова О.В. Поэтика цвета в прозе Е.И.Замятина. Дисс. ...канд. филол. наук. – Елец, 2006. – 200 с.

матн мисолида таҳлил қилган⁹. В.Маслова ранг маъноси маданиятдан ташқари табиат ва предмет билан боғлиқлигини¹⁰, Е.Юшкина бадий асарда ранг ва ёруғлик муаммосини¹¹, А.Кудрина, Б.Мешеряков илмий тадқиқот ишларида турли хил маданиятдаги ранглар семантикасини ёритган¹². Япон тадқиқотчиларидан Э.Накамура бадий асарлардаги ранг тизимини¹³, Й.Ёшиока “Генжи ҳақидаги асар”да¹⁴ ақс этган ранглар билан боғлиқ тушунчалар луғатини ўрганган.

Турли тиллар маданиятидаги “кўк” ранг тушунчаси чоғиштирма аспектда тадқиқ этилган. Инглиз, рус ва ўзбек тилларида ранг компонентли бирликлар қаторида кўк тушунчасининг ҳам лингвокультурологик, символик жиҳатдан таҳлил этилган¹⁵. Ранг билдирувчи, белги-хусусият билдирувчи сўзларнинг семантик хусусиятлари туркология илмида А.Н.Кононов, Е.Койчубаев, Ф.Г. Исҳоқовлар томонидан тадқиқ этилган.¹⁶

Ўзбек тилшунослигида ранг-тусни билдирувчи лексемалар, шу жумладан, “кўк” лексемаси сифат сўз туркумига оид изланишларда ХХ асрнинг 40 йилларидан бошлаб тадқиқ этилган. ХХ асрнинг 60 йилларига келиб ўзбек тилшунослигида сифат туркумига оид сўзларни ўрганишга тилшунос М.Содиқова катта ҳисса қўшди. Олима ранг-тус билдирувчи сифатлар тадқиқига бағишланган номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди¹⁷. Н.Жуматова ранг билан боғлиқ тимсоллар тавсифида этнографик белгиларга эътибор қаратган¹⁸. З.Пардаев томонидан амалга оширилган ўзбек тилидаги сифатларнинг семантик-услубий хусусиятлари ҳақидаги тадқиқотда ранг

⁹Лотман Ю.М.Культура и взрыв. Внутри мыслящих миров. – СПб.: Искусство, 2000. – 703с.

¹⁰Маслова В.А.Лингвокультурология. – М.: Академия, 2001.– 208 с.

¹¹Юшкина Е.А.Поэтика цвета и света в прозе М.А.Булгакова. – Волгоград, 2008.–201 с.

¹²Кудрина А.В., Мешеряков Б.Г.Семантика цвета в разных культурах // Психологический журнал Международного университета природы, общества и человека. – Дубна, 2011. – 18 с.

¹³Накамура Е. Слово о полку Игореве и Повесть о доме Тайра // Слово о полку Игореве: комплексные исследования. – М., 1988. – С. 80-89.

¹⁴吉岡幸雄源氏物語の色辞典 – 日本: 研究社, 2008. – 302 p. [Yoshioka Sachio. Genjimonogatari no iro jiten – Nihon: Kenkyushya, 2008. – 302 p.] – “Ёшиока Юкио. Генжи ҳақидаги асарининг ранг луғати. – Япония: Тадқиқот маркази, 2008. – 302 б.

¹⁵Садыкова М. Слова, обозначающие цвет и окраску, в узбекском языке. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1963. – 15 с.; Москович В.А. Семантическое поле цветообозначений. Автореф. дисс.канд. филол. наук. – М., 1965. – 18 с.; Матчанова И.С. Цветообозначения узбекского языка. – Ташкент, 1984; Фрумкина Р.М. Цвет. смысл, сходство: аспекты психолингвистического анализа. – М.: Наука, 1984. – 175 с.; Васильевич А.П.Исследование лексики в психолингвистическом эксперименте. На материале цветообозначения в языках различных систем. – М.: Наука, 1987; Светличная Т.Ю. Сравнительные лингвокультурные характеристики цветообозначения и цветовосприятия в английском и русском языках: Автореф. дисс. канд. филол. наук.-Пятигорск, 2003. – 17 с.; Базарбаева А. Когнитивно-семантическая структура цветообозначений в английском, узбекском и русском языках. Дисс... докт. филол. наук. – Ташкент, 2019. – 61 с.

¹⁶Кононов А.Н. О семантике слов *кара* и *ак* в тюркской географической терминологии // Изв. АН Тадж. ССР. Отделение общественных наук. Вып.V. – Душанбе, 1954. – С.83-85; шу муаллиф. Семантика цветообозначений в тюркских языках. – Тюркологический сборник. – М. 1978. – С. 158-163; Исаков Ф.Г. Имя прилагательное. Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. II. Морфология, 1956; Е.Койчубаев. Нецветовая сущность топонимических компонентов *ак*, *кара*, *кок*, *сары* в географических названиях / В кн.: Всесоюзная конференция по топонимике. 1965. – 185 с.

¹⁷Садыкова М. Слова, обозначающие цвет и окраску в узбекском языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1963.

¹⁸Жуматова Н. Ҳозирги ўзбек шеъриятида ранг билан боғлиқ рамзий образлар. Филол. фан. номз...дисс. – Тошкент, 2000.–136.

билдирувчи сифат лексемалар ҳам тадқиқ этилган. Тадқиқотда *қора, оқ, қизил, яшил, кўк* каби фаол қўлланадиган ранг билдирувчи лексемаларнинг семантик-услубий хусусиятлари таҳлил қилинган¹⁹. М.Рўзиева ранг символикасини тадқиқ этиб, уни диний ва тасаввуфий тушунчалар билан боғлаб кўрсатган²⁰.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек тилшунослигининг назарий ва амалий масалалари” йўналишида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади: “кўк” лексемаси семантик тараққиётининг ментал тафаккур, маданий белгилар ва прагматик баҳо билан алоқадорлигини асослаш, семантик имкониятларини тезаурус модели асосида ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жаҳон тилшунослиги, туркологиядаги “кўк” тушунчасининг семиотик, этнолингвистик, лингвокультурологик хусусиятлари ёритилган тадқиқотларни изоҳлаш;

“кўк” лексемасини тарихий-этимологик аспектда тадқиқ қилиш, омонимларининг семантик талқинларидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишга доир тавсиялар бериш;

“кўк” лексемасининг лингвопрагматик маъноларини изоҳлаш, “кўк” ядроли ментал бирликларнинг маъно қирраларини шарҳлаш, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ёритиш;

“кўк” лексемасининг семантикасида фонетик-фонологик, лексик-семантик, грамматик-синтактик воситаларнинг ўрнини очиб бериш;

“кўк” лексемасининг тезаурус моделини ишлаб чиқиш асосида семантик-услубий хусусиятларини ёритиш ва ўзбек тилидаги тезаурус моделини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “кўк” лексемаси, “кўк” ядроли лексик, паремиологик, фразеологик бирликлар акс этган луғат фонди, илмий-оммабоп нашрлар, адабий-бадий асарлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини “кўк” лексемаси семантикаси, прагматик хусусиятлари, “кўк” омонимларининг шаклланиш жараёнлари, тезаурус моделининг семантик белгиларни ёритиш имкониятлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, статистик, семантик, систем-структур, қиёсий-тарихий ва компонент таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“кўк” лексемаси семантикасининг жаҳон, хусусан, ўзбек тилшунослигида муҳим ўрин тутиши, миллий-маданий дунёқарашларни акс эттириши метафора, фразеологизм, мақол, матал, қиёсий ифодалар билан

¹⁹ Пардаев З. Ўзбек тилида сифатларнинг семантик-услубий хусусиятлари. – Самарқанд, 2004. – 7 б.

²⁰ Рўзиева М. Ўзбек халқ кўшиқларида ранг символикаси: Филол. фан. номз....дисс. – Тошкент, 2017. – 23 б.

асосланиб, “кўк” ядроли бирликларнинг стилистик-услубий хусусиятлари далилланган;

қадимги туркий тил манбаларидаги “кўк” лексемасининг генезиси, тарихий тараққиёти, семантик майдони асосланиб, лексема таркибидаги полисемантиклик ва омонимия муносабатлари тадрижий-тарихий жиҳатдан очиб берилган;

дунё ва туркий халқлар миллий маданиятида “кўк” лексемасига доир илмий-фалсафий ёндашувларнинг табиий, диний, сунъий, мифологик талқинлари қиёсланиб, уларнинг социал белгилари ва лингвопрагматик табиатидаги ўзгариш омиллари лингвокультурологик ҳамда символик жиҳатдан исботланган;

“кўк” лексемасининг семантик майдонидаги семантик-прагматик, семантик-когнитив томонлари, маъно жиҳатдан гипоним-гиперонимлик, партонимлик муносабатлари лисоний, прагматик омилларнинг ҳамкорлиги, уларнинг муайянлашуви, сўз семантикасини ёритиб берувчи парадигматик, синтагматик, ассоциатив, иерархик жиҳатдан ишлаб чиқилган мезонлар асосида далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот доирасида тўпланган материаллар “кўк” лексемаси семантикасига доир илмий-назарий жиҳатдан муҳим маълумотлар бериши, “кўк” лексемасининг когнитив хусусиятлари, прагматик маъноларига оид мақол-матал, ибора ва поэтик матнлар луғатини тузишга хизмат қилиши очиб берилган;

ўзбек тилшунослигида муайян лексемага оид мукамал маълумотлар базасини ишлаб чиқиш ва семантик парадигмалар ёрдамида тезаурус луғатларнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган;

антропоцентрик парадигма доирасидаги изланишларда, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими жараёнида талабаларга лексикологияга оид, лексик-семантик билимларни ўзлаштиришда бевосита манба бўлиб хизмат қилиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги “кўк” лексемасини ифодаловчи лексик бирликларнинг қиёсий таҳлилга тортилганлиги, назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, методик жиҳатдан тизимли равишда ёндашилгани, қўйилган муаммонинг аниқ ва етарлича далиллангани, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани, жаҳон тилшунослигининг янги йўналишлари ва таҳлилий усуллари асосида илмий-назарий асослангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти “кўк” миллий-маданий бирлигининг этимологик, этнолингвистик хусусиятларига доир мавжуд назарий қарашларни янги билимлар билан бойитишга хизмат қилиши, лингвопрагматика, семантикада олиб борилаётган тадқиқот ишларига, хусусан, лексик-парадигматик муносабатлар таҳлилида, тезаурус модели асосида ўзбек тили луғат сатҳига доир маълумотлар базасини

шакллантиришда назарий асос вазифасини ўташи билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўзбек тилининг семантик манбасини бойитиши, “кўк” ядроли бирликларнинг паремиологик луғат фондини яратишга хизмат қилиши, олий ўқув юртларининг филология йўналиши талабаларига маъруза, семинар машғулотларини ташкил қилишда самарали фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Кўк” лексемаси семантикаси ва тезауруси тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

“кўк” лексемасининг миллий-маданий фонда қардош халқлар, хусусан, қорақалпоқ тилшунослигида ўрганилиши, қорақалпоқ тилидаги мақол, матал, фразема, халқ кўшиқлари таркибида “кўк” лексемаси семантикасининг этнолингвистик жиҳатдан тадқиқ этилиши юзасидан чиқарилган илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 2017-2020 йилларда амалга оширилган ФА-Ф-1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти тарихи тадқиқи” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида амалий жиҳатдан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 2021 йил 22 декабрдаги 395-сон маълумотномаси). Натижада фольклор асарлари намуналарини этномаданий лексика билан бойиш даражаси ортган;

этнолингвистик жиҳатдан қорақалпоқ урф-одатларидаги нутқий бирликларни ёритишда, маданиятлараро ўхшаш семаларни тадқиқ этишда, ўзбек ва қардош тиллар лексикасининг ҳамда луғат бойлигининг турфа хиллиги, лисоний ўхшашликларни қиёслаш асосидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2017-2020 йилларда амалга оширилган ФА-Ф-1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ қилиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида амалий жиҳатдан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 22 декабрдаги 394/1-сон маълумотномаси). Натижада фольклор асарлари матнида этнографик характердаги бирикмалар салмоғи ортган;

“қадимги туркий ёзма манбалар матнида “кўк” лексемаси этимологияси билан боғлиқ диний, эътиқодий қарашларнинг мавжудлиги, миллий-маданий қадриятлар ва урф-одатлар жараёнида қадимги ёзма манбаларга таянилганлиги, этимологик ва этнолингвистик тадқиқотлар давомида уларнинг тилшуносликдаги аҳамиятини ошириш”га оид назарий ғоя ва амалий аҳамиятга эга таклиф-тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетида 2017–2020 йилларда бажарилган ПЗ–20170927147– “Қадимги даврлардан XIII асргача бўлган туркий ёзма

манбалар тадқиқи” мавзусидаги амалий лойиҳанинг учинчи босқичидаги режалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети 2022 йил 26 январдаги 04/1–139-сон маълумотномаси). Натижада қадимги туркий ёзма манбалар матнини “кўк” лексемасининг этнолингвистик хусусиятларига доир илмий далиллар билан бойитишга эришилган;

“кўк” лексемасининг этимологияси ва этнолингвистик тавсифи; кўк лексемаси иштирокидаги топонимлар ва уларнинг келиб чиқиши, лексеманинг синхрон ва диахрон аспектда ўрганилиши; этномаданий ва ментал хусусиятлари, халқ миллий-маданий бирликларида акс этиши; қадимги туркий халқлар адабиёти ҳамда мумтоз адабиёт намуналарида учраши, ҳаёт тарзи, тил ва маданият муносабатига бевосита алоқадорлиги; халқнинг турмуш даражаси, қарашлари, маданий тараққиёт кўринишларига мувофиқ тарзда ўзгариб, ривожланиб бориши ҳақидаги илмий-назарий хулосалардан “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Тақдимот” кўрсатуви сценарийсини ёзишда фойдаланилган (ЎзМТРК “Ўзбекистон телерадиоканали” ДУКнинг 2019 йил 19 ноябрдаги 02–40–2395-сон маълумотномаси). Натижада дастур учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика, 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

I боб “**Кўк**” лексемасига доир тадқиқотлар тавсифи” га бағишланган. Бобнинг биринчи параграфида “*Кўк*” тушунчасининг жаҳон тилшунослигидаги тадқиқи” масалалари ёритилган. Колористика ранглар

хақидаги фан бўлиб, ранг маданияти ва тили, ранг гармонияси генезисига, жамиятнинг ранг маданияти хақидаги тасаввурига асосланади. Инсон рухияти ранглар билан бевосита боғлиқ бўлиб, бутун табиат ранглардан иборат ва рангларни билдирувчи сўзлар тил луғат бойлигида салмоқли ўринга эга.

Жаҳон тилшунослигида ранглар назариясига бағишланган қатор тадқиқотлар олиб борилган. В.Алпатов ўн икки хил рангни шкала орқали тасвирлаб берган²¹. “Кўк” рангининг илмий асосдаги таҳлили А.Вежбицкая қарашларида ўз аксини топган. Олима япон тилидаги *яшил, ҳаворанг, кўк* рангларнинг фарқларини тушунтиради ва бу рангларнинг қўлланиш ўринларини кўрсатиб беради²². Кейинчалик бу борада қилинган илмий тадқиқотларда ранг муаммоси матн нуқтаи назаридан ўрганилган. А.Кудрина, Б.Мешеряков матнда ранглар таҳлили объектив хақиқатлар билан боғлиқлигини кўрсатса, Э.Юшкина ранг муаммосига бадий асар орқали ёндашиб, ранглар ифодаланиши ёруғликка боғлиқлигини аниқлайди. Ю.Лотман бадий асардаги рангларни берилишига эмас, символларни, жумладан, ранг символикасининг бадий асардаги талқинига эътиборини қаратади.

Кўк ранг семантикаси монографик планда тадқиқ этилган ишлар ҳам мавжуд. Хусусан, С.Григорукнинг шеърӣ матнлардаги кўк концепти таҳлиliga бағишланган изланишида кўк ранг тушунчаси оламнинг индивидуал-ҳиссий картинасини моделлаштиришда муҳим ўрин тутиши кўрсатиб берилган²³. А.Шиманская тадқиқотида ҳозирги Японияда кўк ўлим белгиси, инсоннинг жамиятдан ажралиб қолиш рамзини ифодалаш ва шунга оид қарашлар талқин этилган²⁴. Ш.Зоолишоева эрон тиллари гуруҳига кирувчи шугнан ва рушан тиллари гуруҳида кўк концептини, этнолингвистик хусусиятларини изоҳлаган²⁵. С.Габорович “кўк” лексемасининг тиллардаги денотатив маънолари деярли бир хил, лекин коннотатив маънолари турлича эканлигини ёритган²⁶. “Кўк” ранг маъносида *sin, blu, kaltyor* сўзларининг ишлатилиши, *sin* – очиқ осмон ранги эканлиги, *blu* – хира ва қоронғудаги осмон рангларини ифодалаш, *kaltyor* эса мовий осмон рангларини умумлашмасини ифодалаш кўрсатиб берилган. Альбан маданиятида кўк рангининг ўрнини алоҳида изоҳлаб, кийим ва буюмларда кўк рангли элемент бўлиши уларни сеҳру жодудан ҳимоя қилади, деган тушунча борлиги таъкидлаб ўтилган²⁷.

²¹ Алпатов В.М. Язык и культура. – М.: Языки славянских культур, 2003. – С.76-87.

²² Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. – М.: Русские словари, 1996. – С.231-291.

²³ Григорук С.И. Концепт синего цвета в поэзии Георгия Иванова. Львовский национальный университет им. И. Франко. Автореф. дисс... докт. филол. наук. – М., 2002. – С 17.

²⁴ Шиманская А. С. Семиотика цвета в японской культуре. Автореф. дисс... докт. филол. наук. – М., 2004. – С 15.

²⁵ Зоолишоева Ф.Ш. Цветообозначение в шугнано-рушанской языковой группе в этнолингвистическом освещении. Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2005. – С 23.

²⁶ Габорович С.К. The semantics of the blue colour category in English and Serbian. *Engleski jezik i anglofone književnosti u teoriji i praksi. Zbornik u čast Draginji Pervaz*. ISBN 978-86-6065-276-0. – P. 239.

²⁷ Чиварзина А.И. Синий цвет и его оттенки в македонском и албанском языках. *Славянский мир в третьем тысячелетии*. – М., 2017. – №12. – С. 368.

Ранг назарияси бўйича қилинган туркологияга оид илмий тадқиқотларда А.Кононовнинг алоҳида ўрни бор. Олим у *көк* – *гөк* сўзларининг қуйидаги маъноларини келтирган: 1) “көк”, “оч кўк”, “азуре”, “оч яшил”, “кулранг”, “осмон ранги”, “ёш кўкатлар ранги”, “кулранг”; 2) “осмон”, “ёш” “ўт”, “кўкат”, “ўтлоқ”²⁸. *Көк*нинг Олтин Ўрда, Оқ Ўрда каби, *Көк Ўрда* шаклида ҳам келишини таҳлил этиб, XIV асрнинг охири XV асрнинг бошларида Жўжи улусининг чап каноти *Көк Ўрда*²⁹, ўнг каноти эса Оқ Ўрда деб номланишига эътибор қаратган. Мўғуллар ғарбни – оқ, шарқни эса *көк* деб атагани ҳақидаги фикрлар баён этилган. “*Көк*” лексемаси баъзи қадимий манбаларда ҳам “шарқ – шарқий” деган маъноларни ифодалаган³⁰. Туркий тилларнинг барчасида “кўк” лексемаси билан биргаликда синоним сифатида *яшил*, *ҳаворанг*, баъзан *мовий* сўзлари ишлатилади: *kük /kök /gök/ küöx/ kävak /zängär/ zängär/ havarän/ jäšel/ d’azil/ simës, ješel*. Қозоқ тилидаги “көк” ранг семантикаси шу ранг иштирокидаги фразеологик birlikлар орқали таҳлил қилинган. Қардош халқлар тилшунослигида ҳам *кўк* рангининг хусусиятлари ўрганилган. Н.Джусупов бадий асардаги символ³¹, К.Мустаев “Алпомиш” достонидаги ранг рамзлари ҳақида³² изланиш олиб борган.

Қозоқ маданиятида *кўк* ранг тинчлик ва бирдамлик, фаровонлик ва ҳаёт белгисидир. Қозоқ тилида *кўк* сўзи фаол қўлланади ва бир қатор маъноларга эга: *көк шешек* → чечак (касаллик); *көк шай* → *кўк* чой³³.

Бобнинг иккинчи параграфида “*Кўк*” лексемасининг ўзбек тилшунослигидаги тадқиқи келтирилган. Ранг билдирувчи лексемалар таҳлиliga оид дастлабки фикрлар Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон-у луғотит турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”³⁴, Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддимат-ул адаб”, “Асос-ул балоға”, Алишер Навоийнинг “Муҳокамат-ул луғатайн” каби асарларида қайд этилган. XX аср ўрталаридаги бир қатор изланишларда ранг билдирувчи лексемалар таҳлили амалга оширилган³⁵.

Туркий тиллардаги ранг терминологияси “Девони луғотит-турк”да кийим ранглари келтириш билан бошланган. Асарнинг Қашқардан топилган нусхаси³⁶, айниқса, бу борада аниқ маълумотлар бера олади. Масалан: *ақ ат* (205 б), *ббз ат* (205-200 б), *қир ат* (207 б). Ранг билдирувчи

²⁸Кононов А.Н. Семантика цветообозначений в тюркских языках / А.Н.Кононов // Тюркологический сборник-1975. – М.: Наука, 1978. – С.169-172.

²⁹ Султанов Т.И. О терминах Ак-Орда, Кок-Орда и Иуз-Орда. – ИАН КазССР. Серияобщественная. 1972. – № 3. – С. 72.

³⁰Gabain. Vom Sinn, с. 1.15. Ср. также: «...les Mongols orientaux portaient le nom de Mongols Bleus (bleu azure ou vert clair= Est) au temps det Gengis khan» (Saussur, с.34).

³¹Джусупов Н.М. Тюркский символ в художественном тексте. – Астана: Сарыарка, 2011.– 218 с.

³²Мустаев К.Т. Поэтика цвета и числовых знаков-символов в “Песне о Роланде” и “Алпамыше”. – Самарканд: Зарафшон, 1995. – 152 с.

³³Бектаев К. Большой казахско-русский, русско-казахский словарь. – Алматы, 1995.

³⁴Абдужаббарова Ф. “Қутадғу билиг”даги шахс белги-хусусиятини англатувчи лексика. Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2011. – 56 б.; Холмурадова М. “Қутадғу билиг” лексикаси. Филол. фан. фалс. док. ...дисс.- –Тошкент, 2019.

³⁵Мадрахимов О. Ўзбек тилида сифат ва янги ясалган сифатлар масаласига доир / ЎзФА ахбороти, ижтимоий фанлар серияси. – Тошкент, 1957. – 41-47 б.

³⁶Hauenschield, I. 2000. “Pferdefarben und Pferdeabzeichen im Dīvānu Lugāt at-Turk”. Acta Orientalia Scientiarum Hungaricae, 53 (3-4), Budapest, pp. 203–218

лексемалар илмий тадқиқот мавзуси сифатида белгиланди. М.Содиқова ўзбек тилидаги ранг-тус билдирувчи сифатларни монографик планда ўрганди. Мазкур тадқиқот шу йўналишдаги кейинги тадқиқотлар учун назарий материал вазифасини ўтади³⁷. С.Ғиёсов ўзбек тилидаги субъектив баҳо сифатларининг семик таҳлилини амалга оширди³⁸. З.Пардаев ранг билдирувчи лексемаларнинг семантик-услубий хусусиятларини ёритган. Хусусан, *яшил* сўзи ўрнида *кўк* сўзининг қўлланиши, шеърӣ ва насрий асарларда *кўк* ва *яшил* сўзларининг алмашиб қўлланиши ҳамда уларга синоним сифатида *мовий*, *зангори*, *ҳаворанг*, *оч нилий*, *обиранг* каби рангларнинг ишлатилиши, *зумрад*, *фируза*, *ложувард* каби қимматбаҳо тош номлари баъзан ранг маъносида келиши мисоллар орқали кўрсатиб берилган³⁹. М.Ғанихўжаева ранг билдирувчи сўзларнинг ёзма ёдгорликлар тилидаги қўлланиш частотасини аниқлаган: *қора* – 18,8 %, *оқ* – 15,8 %, *қизил* – 6,89 %, *кўк* – 3,5 %, *яшил* – 2,5 %, *сарӣқ* – 2,5 % кабилар.

Кўк ранг лексемаси чоғиштирма ва қиёсий аспектда ҳам ўрганилган.

Ғ.Исмоилов фразеологизмларда қатнашган *оқ* ва *қора* рангларининг ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ тилларидаги фарқларини қиёслаб ўрганган⁴⁰. Л.Долиева ўзбек ва француз тилларидаги фразеологизмларни қиёсий усулда тадқиқ этган⁴¹. Ф.Абдуҷаббарова “Қутадғу билиг”даги шахс белги-хусусияти, феъл-атворини акс эттирувчи сўзларни ўрганиш асосида “*кўк*” лексемасига алоҳида эътибор қаратади⁴². З.Холманова “Бобурнома” матнининг семантик хусусиятларига бағишланган монографиясида “*кўк*” лексемаси билан алоқадор “*кўк саройга чиқармоқ*” ибораси, “*нилагов*” каби терминларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ илмий маълумотларни беради⁴³.

Тадқиқотларда “*кўк*” лексемасининг символикаси, денотатив ва коннотатив маънолари, этнолингвистик ва ментал хусусиятлари акс этган.

Учинчи параграф “*Кўк*” лексемаси символикаси”га бағишланган.

Ранглар асосий рамзлардан бири бўлиб, у тушунчанинг, ифодаловчиси, символикдир. Рамзларни ифодалашда, маъно-моҳиятини очиб беришда эса рангларнинг ўрни катта. *Кўк* рангини қадимги туркийлар, биринчи навбатда, осмон билан боғлашган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, *кўк* сўзи дастлаб осмон рангини ифодалаган. *Кўк* ранг, аввало, осмон ранги бўлгани учун туркий халқлар уни Тангри ранги сифатида эъзозлашган. “Култегин” битигида қайд этилган *кўк* ранги шу тасаввурларга асосланган. Профессор Н.Раҳмонов шундай ёзади: “Қадимги туркий халқлар *кўк турклар* номи

³⁷ Содиқова М. Ўзбек тилида ранг-тус билдирувчи сўзлар. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1963. – 33 б.

³⁸ Ғиёсов С. Ўзбек тилида аслий сифатларнинг кўчма баҳолаш маъноси ҳақида / Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1982. – №4. – Б. 51-54; шу муаллиф. Аслий сифатларнинг икки семантик группаси ҳақида / Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1984. – №1. – Б. 58-60.

³⁹ Пардаев З. Ўзбек тилида сифатларнинг семантик-услубий хусусиятлари. – Самарқанд, 2004.

⁴⁰ Исмоилов Ғ. Фразеологизмларда оқ ва қора концептларининг идиоэтник белгилари / Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. – №3. – Б. 58-60.

⁴¹ Долимова Л. Француз фразеологиясида ранг ва руҳият оппозицияси. / Хорижий филология. – Тошкент, 2020. – №4. – 129 б.

⁴² Абдуҷаббарова Ф. “Қутадғу билиг”даги шахс белги-хусусиятини англаувчи лексика. Филол. фан. номз...дисс. – Тошкент, 2011. – Б. 12.

⁴³ Холманова З. “Бобурнома” – лингвистик қомус. – Тошкент: Академнашр, 2021. – Б. 24.

билан тарихда қолган. “Турк” номи билан машҳур бўлган, кейинчалик кўплаб давлатлар ва халқларга ўз номларини берган биринчи давлат Гөктүрк (*gök* = “кўк” ёки “самовий”, контекстда *gök* “шарқ” йўналишини билдиради) давлатига VI асрда асос солинган. Лекин кўплаб манбаларда улар “самовий турклар” деб таржима қилинади. Қадимги турк даврида туркий қавмлар ягона ном билан *кўк турклар* деб юритиладиган бўлди. Кўктурк – илоҳий турк деганидир⁴⁴. *Кўк* рангининг рамзий хусусиятлари адабиётшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилган⁴⁵.

Олимларнинг фикрига⁴⁶ асосланиб, ранг рамзлари, хусусан, *кўк* ранг рамзи тўрт асосий фреймдан иборат, дейишимиз мумкин: А – нарса-буюм хусусияти; В – маданий белгилар; С – тушунча; D – лисоний онг билими.

II бобда “**Кўк**” лексемасининг тарихий-этимологик ва этнопрагматик таҳлили” келтирилган. Бобнинг биринчи параграфи “*Кўк*” лексемасининг этимологик таҳлиliga бағишланган. *Кўк* сўзи қадимги руник ёзувлар, Ўрхун ёдгорликларида ҳам кўп учрайди. У даврларда бу сўз “осмон”, “хаворанг”, “уруғ-авлод” маъноларида қўлланган. *Тиниқ осмон рангидаги; мовий, зангори* [ЎТИЛ, I, 412] семемали *көк* лексик бирлиги илк бор Култегин битигтошида кўзга ташланади: *...üzä kök täñri asra jagyz er* [ДТС, 312]. Махмуд Кошғарий “Девон”ида бу сўз кенг изоҳланган. Илк эски туркий тил [ДЛТ, I, 317] ва XIII—XIV аср эски туркий тил [СУЯ, I, 617] обидаларида лексема айни маънода қўлланган.

Қадимги туркий тилда “*кўк*” лексемаси куйидаги маъноларни англатган: *Көк I* осмон: *bulit örüp kök örtüldi; jerni kökni jaraŧqan; kökŧün bir kök jaruq ŧüşŧi; uŧırma quŧ bölüp kök uŧajin* каби бирликларда “осмон” семаси энг кўп ва асосий эканлиги юзага чиқади. *Kök çiyrisi* деганда “кўк юзи”, “осмон юзи” маънолари англашилади. *Көк II 1.* Илдиз, томир: *jemi ot kök iekü jaymur suvi* – унинг озиғи – ўт илдизлари, ичимлик, ёмғир суви; *2.* Асос, таянч: *bular erdi din ham säri`at kök* – булар имон ва унинг асоси эди; *neçä ig ölüm birlikte keŧmäŧ bu kök* – бу көк – қанча касалликлар бу пойдеворни ўлим билан бузмасин! *3.* Келиб чиқиши, насл-насаб: *kökün kim* – Келиб чиқишингиз қандай? *4. Kök jildiz.* Негиз, асос: *bu ol eudi beŧlik köki jildizi* – у энди чексиз кучнинг асосидир. *Көк III* озод, эркин: *Idi oqsiz kök türk* ҳукмдорсиз ва қабила бўлинишидан озод турклар. *Көк IV* эгар бар: *er sözi bir ebär köki üç* эгар тасмалари учта, эрнинг сўзи бор – битта. *Көк V* тикиш: *joyurqaniy öz kökün isirsar you'll qizya ada bolur* агар сичқон тикиш бўйлаб исинмоқчи бўлса, болалар учун хавф туғилади. *Көк VI* мовий, кўк, кулранг: *üzä kök täñri asra jay-z jer* мовий осмон, пастда қўнғир ер; *Kök ton* – кўк тўн, кийим; *ol altun*

⁴⁴Раҳманов Н. Ўрхун–Енисей ёзуви ёдгорликлари. – Тошкент: Шарқ, 2012. – 17 б.

⁴⁵ Ҳаққул И. Яна қора ранг талқини ҳақида / Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000. – №3. – Б. 17-24 б.; Мирзаева Н. А. Чехов ва А. Қаҳҳор поэтикасида ранг рамзлари / Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2002. – №4. – Б. 49-52.; Жуматова Н. Ҳозирги ўзбек шеърлятида ранг билан боғлиқ рамзий образлар. Филол. фан. номз...дисс. – Тошкент, 2000. – 136.; Ўтанова С. Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси: Филол. ном...дисс. – Тошкент, 2017. – 32 б.; Абдураҳмонов А.А. Ўзбек шеърлятида нур, ранг ва руҳият тасвири поэтикаси (анъана ва новаторлик аспектида) // фил..фан..док..дисс.– Фарғона, 2018. – 64 б.

⁴⁶Кудрина А.В., Мещеряков Б.Г. Семантика цвета в разных культурах // Психологический журнал Международного университета природы, общества и человека. – Дубна, 2011. – С.2.

tayqa tēgsār siz kök lingua körgāj siz ўша олтин тоғга етсангиз, мовий осмонни кўрасиз⁴⁷. Қадимги туркий тил луғати (ДТС)да ўн бир хил маънодаги *көк* сўзи, *көк* компонентли йигирма иккита ясама сўзнинг маънолари келтирилган.

“Муҳокамат ул-луғатайн”да олти хил “*көк*” лексемаси келтирилган: *көк* I “осмон”, *көк* II “куй”, *көк* III “кўклам”, *көк* IV “қадок”, *көк* V “яшиллик”, *көк* VI “яланглик”. Алишер Навоий сўзнинг ундан ортиқ маъноларда ҳам омонимлик ҳосил қилиши мумкинлигини айтади⁴⁸. Бу сўз ва тушунчаларнинг форсий тилда мавжуд эмаслигини таъкидлайди. Қадимги туркий луғат (ДТС)даги “осмон”, “яшиллик” маъносидаги *көк* сўзларигина Алишер Навоий асарида келтирилган. Бошқа маънодаги *көк* сўзлари қайд этилмаган. Бу ҳолатни тил тараққиётидаги интралингвистик омиллар билан изоҳлаш мумкин.

Кўк ранг маъносидаги туб умумтуркий “*көк*” лексемаси Навоий асарларида кенг қўлланган: ... *ҳар гунбази сўмўзи манзилатдин фалакниң көк гунбазидин баш өткәрибдүр* (Вақфия, XIII,171). Тадқиқотчи Ш.Эгамова келтирилган мисрадаги “*көк*” лексемасининг кўп маъноли сўз эмас, балки шаклдош эканлигини таъкидлайди: “Бизнинг назаримизда, кейинги семалар таҳлил этилаётган лексеманинг қўшимча маънолари бўлмай, балки *көк* сўзига шаклдош бўлган алоҳида лексик бирликларга оид маънолардир. Бу фикрни Маҳмуд Кошғарий луғати [ДЛТ, I, 317; III. 146] асосида тасдиқлайди⁴⁹”.

Алишер Навоий қайд этган *кўк* I “осмон”, *кўк* III “кўклам”, *кўк* V “яшиллик” лексемалари ҳозирги ўзбек адабий тили доирасида кенг қўлланади.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *кўк* кўп маъноли сўз сифатида қайд этилган ва саккиз хил маъноси келтирилган (ЎТИЛ,II,451).

Алишер Навоий даврида қўлланган *кўк* II “куй”, *кўк* IV “қадок”, *кўк* VI “яланглик” лексемалари ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайди. “Куй” маъносидаги “*кўк*” лексемаси “олов, бирор иссиқ таомнинг тери сезги аъзосига таъсири” маъносидаги *куй* (моқ) билан семантик жиҳатдан боғланади. Чунки *куймоқ* лексемасида “оғриқ”, “изтироб”, “дард” семалари мавжуд бўлиб, нола, оҳанг билан алоқадордир. “Кўк” нинг куй маъносидаги шакли жонли тилда ўзгаришга учраган. Охирги *к* ҳарфи *й* га алмашиб, куй тарзида ўзлашган. Навоий асарларида *кўк* шаклида учрайди:

*Йиғланг, эй шамъу суроҳийки, ўларимни билиб,
Мутриби нағмасаро навха кўкин чолди яна.*

“Қадок” маъносидаги “*кўк*” лексемаси истеъмолдан чиққан. *Кўкариш*, *кўкармоқ* лексемаларида “ранги ўзгариш”, “дағаллашиш” семалари намоён бўлади. “Яланглик” маъносидаги *кўк* айрим топонимлар таркибида сақланиб қолган. *Кўкдала* топоними ҳозирги *кўк+дала* моделидаги бирикувдан

⁴⁷ ДТС – Древнетюркский словарь. – Л., 1969.

⁴⁸ Алишер Навоий. Муҳокамат-ул луғатайн. – Тошкент, 2011. – 10 б.

⁴⁹ Эгамова Ш. Алишер Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий лексемалар// Ўзбек тили тараққиёти ва халқаро ҳамкорлик масалалари. Халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент, 2019. – 304 б.

тузилмаган. Топонимнинг қадимийлиги ҳам унинг этимологияси бу қадар осон аниқланмаслигини асослайди. Бу моделдаги этимология мантикқа ҳам тўғри келмайди. Ўзбек тилида *дала* сўзи “кенг табиий сайхон ер, ёвон” маъносини ҳам билдиради. Демак, *Кўкдала* топонимидаги “кўк” ранг тушунчасини эмас, Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида қайд этилган “яланглик” маъносини англатади.

Кўк ранг лексемасининг “кул рангидаги, кулранг” маънолари “Муҳокамат ул-луғатайн”да қайд этилмаган. Бу сўзнинг бўри рангига нисбат берилиши тушунчанинг бўри тотеми амалда бўлган даврларга бориб тақалишини асослайди. *Кўк* ранг лексемасининг сўзлашувдаги “пул бирлиги” маъноси (ЎТИЛ,II,451) кейинги давр ижтимоий муносабатлари маҳсулидир.

“*Кўк*” лексемасининг изоҳли луғатда қайд этилган “осмон”, “ўт-ўсимлик”, “кўкат”, “кўкатдан тайёрланадиган овқат” (ЎТИЛ,II,451) маънолари бу тушунчаларнинг алоҳида лексема сифатида қайд этилишига асос бўлади. Чунки бу тушунчаларда “белги” семаси эмас, “нарса” семаси ифодаланади. *Кўк* ранг лексемасидан семантик усул орқали, метонимия асосида янги, от лексемалар шаклланган: *кўк* (сифат) → *кўк* (от). Бугунги кунда мазкур тушунчалар белги ифодасидан нарса-буном ифодасига кўчган. Лисонда ҳам нарса номи, от сифатида ўринлашган. “Ер устида гумбаз шаклида кўриниб турадиган ҳаво қатлами; осмон” маъносидаги “*кўк*” лексемасида “юксаклик” семаси шаклланган ва у бир қатор ибораларнинг юзага келишига асос бўлган, ядро сифатида ибора семантикаси реаллашувини таъминлаган.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида “*Кўк*” лексемасининг *этнолингвистик ва миллий-маданий хусусиятлари*” изоҳланган.

Ўзбек халқ маросимлари ва удумларида *кўк* рангининг аҳамияти катта. “*Кўк*” лексемаси семантикасида миллий-маданий муносабатлар, этнографик мазмун ўз ифодасини топган. Шеваларда метонимия асосидаги коннотацияга асосланган “аза” маъносидаги *кўк* сўзи ишлатилади⁵⁰. *Тўйчивойнинг боғида, Ўсма буралиб қолди. Онасини сўрасанг, Кўкка ўралиб қолди*⁵¹.

Халқимиз миллий ўйини саналган кўпкарининг келиб чиқиши ҳам *кўк* асосига бориб тақалади. *Кўпқари* рус тилида “козладрание” (улоқ тортиш), қозокларда “кўкпари торту”, тожикларда “бўзтози” ёки “бўз каши”, ўзбекларда баъзан “улоқ” деб аталади. Аммо фақат олтой ва қирғиз тилида кўпкарининг этимологик асоси ҳисобланган энг қадимги номи – “көкбөрү” сақланиб қолган. Ўйин дастлаб туркий халқларнинг бўри тотемига эътиқоди сифатида шаклланган⁵².

Ғ.Жаҳонгиров “Оқ теракми, кўк терак” ўйини тарихий-генетик илдизини қабилачилик давридаги жанг кўринишлари, унинг қоидалари таъсирига

⁵⁰Рўзиева М. Ўзбек халқ кўшиқларида ранг символикаси: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2017. – 23 б.

⁵¹Халқ кўшиқлари/ Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Нашрга тайёрловчилар М.Алавия ва С.Рўзимбоев. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – 40 б.

⁵²Бўронов А. Олтойлар. – Тошкент: Мухаррир, 2017. – 132 б.

боғлайди⁵³. Хоразм халқи болалари орасидаги “Оқ шоли, кўк шоли” ўйини деҳқончилик билан боғлиқ бўлиб, унда шолнинг яхши ёки ёмон ҳосил берганлиги ранг семантикаси орқали акс эттирилади. Бунда “оқ шоли” оппок, бўлиқ, сифатли, яхши гуруч доналарини англатса, “кўк шоли” бирикмаси касалланган, қорайган, сифатсиз гуруч доналарига ёки курмакка нисбатан қўлланган.

*Кўк улоғим йўқотдим, кўрдингми қиз?
Кеча ювган сочингни ўрдингми қиз?*⁵⁴

Ушбу кўшиқда тилга олинган кўк улоқнинг йўқолиш тасвирида қадим маросим излари мавжуд. Кўк ранг яхшилик, эзгулик, пок ниятлар рамзидир, лирик қаҳрамоннинг кўк улоқни йўқотиши ёмонлик аломати сифатида баҳоланган.

*Қоши қора, юзи оқнинг, Ман ёри бўлсам керак. Кўккина каптар бўлиб,
Кўксиди жон берсам керак.* Ушбу мисралардаги “қоши қора”, “юзи оқ” истиоравий ифодаси маъшуқани, “кўк каптар” рамзи ошиқ йигит тимсолини гавдалантирган. Бу кўшиқ матни қадимда инсоннинг руҳи оғзидан қуш, кўпинча, кўк каптар ёки мусича кўринишида учиб чиқиб кетади, деган диний-мифологик қарашга асосланган.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи “Кўк” лексемасининг лингвопрагматик хусусиятига бағишланган. Ранг билдирувчи лексемаларнинг прагматик вазифасини тўғри белгилашда нутқ эгаларининг айна белги семантикасига оид назарий билимлари ҳам муҳим ўрин тутаяди. Агар нутқ эгалари айна сифатнинг контекстуал маъносини ҳамда у англатган ҳаракатнинг табиий асоси ҳақида маълумотга эга бўлмасалар, бу сифат иштирокида тузилган гап мазмунини ва унинг яширин ифодаларини тўғри англаб етмайдилар. Бу ўринда нутқ эгаларининг лисоний онгидаги маълумот, когнитив билим, тил бирликлари ифодалаган тушунчага зарурат туғилади.

–Қора чойми, кўкми? (С.Зуннуова. “Қарз”)

Ушбу дискурсда қора ёки кўк лексемалари орқали “Мен фақат қора чой ичаман” ёки “Мен кўк чой ичмайман” деган яширин ахборот ифодаланган (бунда сўзловчи – истеъмол қилувчи). Мазкур гапда кўк сўзи чой навига нисбатан ишора вазифасини бажарган.

Адресат ва адресант мулоқотидаги субъектив баҳо турларини фарқлашда объектнинг баҳоловчи шахс учун қиймати муҳим ўрин тутаяди. Объектга берилган баҳо лингвопрагматик хусусиятга эга бўлиб, у кадр-қиймат ва маълум меъёрга асосланади.

– Бир пачка кўки билан қўлга тушибди, иш чатоқ.

Сўзловчи нутқида “кўк” лексемаси мавжуд ҳолат ҳақида ахборотни яширин пресуппозиция орқали ифодалаган. Оғзаки нутқда кўп ишлатиладиган “пул”, “доллар” прагматик маъноси кўк семантикаси воситасида реаллашмоқда. Бевосита мулоқот муҳити матнда имконият ва

⁵³Жаҳонгиров Ф. Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент, 1975. – 110 б.

⁵⁴Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари / Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Тўпловчи М.Алавия. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – 40 б.

хусусиятларни намоён этади. Шунга кўра лингвистик бирликларнинг прагматик хусусиятларини англаш матн лингвистикасига оид билимларни талаб этади.

Кўкнори қўшма сўзида *кўк*, даставвал, нейтрал маънони, рангни ифодалаган: *нор – анор: кўк нор > кўк анор*. “Ўзи унинг томонига ташлаб қўйган бир халта *кўкнорини* ҳам “дело”га ёпиштирди⁵⁵. Бу гапда эса *кўк*нинг ўз семасидан буткул йироқлашиб, ижобийликдан салбийлик томон ўзгарганини кўриш мумкин. Мазкур нутқда салбий баҳо юзага чиққан.

– *Вой ваҳманг қурғур, ҳожжи! Бу кун кўкнори ичкан экан, шекилли!– деди*⁵⁶.

Бу мисолда айнан шу лингвопрагматик маъно эмоционал дейкис воситасида намоён бўлган. Сўзловчи ва тингловчининг коммуникатив актдаги иштирокида гап оҳанги (ишончсизлик, гумон, ҳадик), луғавий бирликлардан фойдаланиши, новербал воситаларни қўллаши аҳамиятлидир. Тил бирликларининг прагматик вазифаси контекст, нутқий вазият, сўзлашувчиларнинг тил кўникмалари ва нутқ объекти ҳақидаги асосий билимлар билан боғлиқ тарзда юзага чиққан. Нутқий мулоқотда прагматик мазмун ифодасида нутқ, ифода этилаётган мазмун, вазият, сўзловчи ва тингловчининг маънавий, рухий, ақлий камолот жиҳатдан яқинлиги каби омиллар ҳам муҳим ўрин тутган.

*Мен Иймоннинг ҳаётбахш суви, ҳидоятнинг нури ила кўкариб, Ислом йўлида букилмас, синмас, кўркам чинорга айланиб бордим*⁵⁷. Мазкур матнда умид ила йўғрилган, тўғри ҳаётга қайтган, тавба қилиб, диний ҳаёт йўлини танлаган киши руҳияти очиб берилган. *Кўкармоқ* пресуппозицияда “яшариш”, “ҳаёт” концептларини ифода этган.

